



# МУҒАЛЛИМ ҲЭМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

Илмий-методикалык журнал № 5



Нөкис - 2021





**2021-жыл ушын  
«Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў»  
журналына жазылыў баҳасы төмендегише:**

**Индекс: 2092**  
Жеке пухара ушын бир жылға 90 000 сум,  
алты айға - 45000 сўм

**Индекс: 2093**  
Керханалар ушын бир жылға 100 000 сум,  
алты айға - 50 000 сўм

**КК филиал УзНИИПН**  
р/с 20210000800538464001  
КК.Отд. «ИПОТЕКА БАНК» г. Нукус  
МФО 00621  
ИНН: 200362233



# МУГАЛЛИМ ХЭМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 5 2021 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ  
Гулбахар АБЫЛОВА  
Өсербай ӘЛЕҮОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестирiyшiлер:**

Қарақалпақстан Республикасы  
Халық билимлендириy  
Министрлиги, ӨЗПИИИ  
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинети  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы  
Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қарары менен  
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хэм  
хабар агентлиги тәрeпинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-санлы гууалық  
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшесi №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: [uzniipnkkf@umail.uz](mailto:uzniipnkkf@umail.uz),  
[mugallim-pednauk@umail.uz](mailto:mugallim-pednauk@umail.uz)  
[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)

*Журналға келген мақалаларға жууан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим хэм узликсиз билимлендириy» журналынан алынды, деп көрсетилуи шарт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыұматларға автор жууанкер.*



## МАЗМУНЫ

### ТИЛ ҲАМ ӘДЕБИЯТ

<b>Mambetov Q.</b> Lirikaliq poema .....	4
<b>Jolmbetova Sh. G.</b> Dáwletovaniń poeziyasiniń leksikalıq-cemantikalıq ózgesheliklerileri .....	10
<b>Тошпулатова Д.</b> Улугбек хамдам насрида муаллиф дунёкараши ифодасининг поэтик талкини .....	15
<b>Абдуллаев А.А.</b> “Бобурнома”да тошкент вилояти топонимлари хақидаги маълумотлар .....	18
<b>Seytova D.U., Jumabayeva A.B. Tleybayeva G.M.</b> The basic ways of forming words in english language .....	22
<b>Sarsenbaeva Z.</b> Factors in improving linguocultural competence .....	26

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ярматов Р.Б., Ахмедова М.Х.</b> Замонавий педагогик технологиялар асосида дарслар самарадорлигини ошириш .....	30
<b>Қодирова Ф.У.</b> Таълим кластери шароитида инклюзив таълим самарадорлигини ошириш .....	36
<b>Ботирова Ш.И.</b> Педагогик таълим инновацион кластери таълимда ижтимоий шериклик тамойили .....	40
<b>Mirzaraxonova Sh. M.</b> Talabalar kasbiy shakllanishida shaxs yoʻnalganlik motivlarini ahamiyati .....	43
<b>Safo Matjon</b> Taʼlim bosqichlarida kitobxonlik va mutolaa madaniyatini shakllantirish .....	45
<b>Тожибоева Г.Р., Бекирова Э.</b> Общие педагогические компетенции учителя начальных классов .....	49
<b>Матназарова К.О.</b> Талабаларининг касбий-амалий кўникмаларини шакллантириш жараёнлари .....	54
<b>Байжанов Г.Ж.</b> Педагогические системы компетентного подхода преподавания туркменского языка в Каракалпакстане .....	60
<b>Бабашев Ф.А.</b> Медиаобразование – неотъемлемая часть непрерывного образования .....	63
<b>Турымбетова З.Ю.</b> Тенденции развития высшего образования .....	68
<b>Урозбоев Н.У.</b> Развитие ответственности и инициативы будущего учителя в условиях обучения в ВУЗе .....	72
<b>Турымбетова З.Ю.</b> Сравнительная характеристика систем образования США, Германии и Японии .....	75
<b>Дошняязов Ж.К.</b> Принципы и формы традиционной культуры каракалпаков в контексте трудового воспитания .....	79

### МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<b>Kosbergenov B.</b> Demokratiya hám qádrayat .....	84
<b>Nizomov A., Mahmudova Ch.I.</b> Mahmud Koshgʻariyning “Devonu lugʻatit turk” asari haqida .....	87
<b>Ахмаджонов Д.Б.</b> Бағрикентлик сиёсати ва ахборот хуружи .....	92

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Asqarov M.A., Gubenova T.</b> Matematikani o'qituvda informatsiyaliq texnologiyalarini elementlari .....	96
<b>Қасымов С.</b> Математика сабагини машқалалы оқытуда кейс методинан анык интеграллар есабын шешиуге колланыу методикасы .....	100
<b>Bisenbaev I.Q.</b> Talinge xabar texnologiyalarin engiziwidin ahmiyeti ham natijeleri .....	104
<b>Rashidov S.G'.</b> Uzlüksiz spektrda sanoqli xos qiymatlari bo'lgan massali Dirak operatorini qurish .....	108
<b>Исроилова Л.С.</b> Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантириш муаммолари .....	117
<b>Султанов Т.М.</b> Бошланғич математика курси назарияси фанини ўқитишда ал-хоразмий ижодидан фойдаланиш .....	121
<b>Toxirov F.J.</b> Oliy ta'lim muassasalari talabalarining dasturlashga oid algoritmik fikrlashini rivojlantirish muammolari .....	124
<b>Орыпбетов Н., Султанбаев Қ.</b> Умумқасбий фанлар бўйича электрон таълим ресурслари базасини яратиш ва уларнинг масофадан фойдаланиш методикаси .....	127
<b>Orinbetov N.</b> Umumkasbiy fanlarni o'qitishda talabalarning mustaqil fikrlashlarini shakllantirish .....	132
<b>Сапарова А.А.</b> Исторические и теоретические аспекты проблемы изучения интеграла в общеобразовательной школе .....	138

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

<b>Karimova A.M., Hakimova M.O'.</b> Maktabgacha yoshdagi bolalarni atrof-olam bilan tanishtirishda didaktik o'yinlardan foydalanish .....	141
<b>Ғанибаева Б. Ш., Мамбеталиев Қ. А.</b> Бастауыш сынып өзбек және қазақ тіліндегі ана тілі оқулықтарының салыстырмалы сипаты .....	143
<b>G'ulomova X.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darolarida asar tahlili vositasida o'quvchilarning kitobxonlik ko'nikmalarini shakllantirish .....	148
<b>Жабборова О.М.</b> “Бошланғич таълимда “тарбия” фанини ўқитиш методикаси” ўқув фанининг асослари .....	152

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

<b>Abdulxatov A.R.</b> Kurashchilar musobaqa faoliyatida hujum, himoya, qarshi hujum va ogohlantirishlar .....	156
--	-----

РЕЗЮМЕ

Мақолада педагогик таълим инновацион кластерининг инклюзив таълим самарадорлигини таъминлашдаги имкониятлари ҳамда ижтимоий зарурати очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются возможности и актуальность инновационного педагогического образовательного кластера в обеспечении эффективности инклюзивного образования.

SUMMARY

The article reveals the opportunities and social needs of the innovative cluster of pedagogical education in ensuring the effectiveness of inclusive education.

## ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ ТАЪЛИМДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛИ

*Ботирова Ш.И.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** педагогик таълим, инновация, тажриба, ҳамкорлик, кластер, тамойил, лойиҳа, тузилма, натижа, адабиёт таълими, фан тармоқлари, ижтимоий шериклик “Таълимда ижтимоий шериклик”.

**Ключевые слова:** педагогическое образование, инновации, опыт, сотрудничество, кластер, принцип, проект, структура, результат, литературное образование, дисциплины, социальное партнерство «Социальное партнерство в образовании».

**Key words:** pedagogical education, innovation, experience, cooperation, cluster, principle, project, structure, result, literary education, disciplines, social partnership “Social partnership in education”.

Педагогик таълим инновацион кластери муайян фан соҳаси доирасида хусусий методологик аҳамият касб этади ва уни амалиётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда жамиятга мустақил равишда масъулиятли қарорлар қабул қила оладиган, ҳамкорлик қила оладиган, ҳаракатчан, ностандарт ва креатив фикрлаш кўникмасига эга ҳамда мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳисси ривожланган зиёли, ахлоқли ходимлар керак. Бу вазифаларни амалга оширишнинг шартларидан бири эса мактабгача ва умумий ўта таълимнинг олий таълим билан ҳамкорлик анъаналари ва тажрибасидан фойдаланишдир.

Педагогик таълим кластери доирасида адабиёт таълими мисолида умумий ўрта таълим субъектининг роли ва аҳамияти куйидаги йўналишларда кўзга ташланади:

1. Таълимда ижтимоий шериклик тамойилига асосланган ҳамкорликни йўлга қўйиш.

2. Адабиёт таълимида ўзаро ҳамкорликка асосланган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш.

3. Адабиёт таълимида ўзаро ҳамкорлик шаклларини аниқлаштириш.

4. Адабиёт таълимида кластер ҳамкор субъектларининг вазифаларини белгилаб олиш ва тавсифлаш.

5. Адабиёт ўқитишни такомиллаштиришга қаратилган инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни “мактаб-лаборатория”ларда тажриба-синовдан ўтказиш.

6. Адабиёт таълимида илмий салоҳият оқимини тартибга солиш орқали мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш.

Мамлакатимизда таълим тизимни тўғри ташкил қилиш доимо давлат фаолияти-

нинг муҳим таркибий қисми, таълим олиш эса муҳим кадрият ҳисобланиб келган, чунки у жамиятнинг иқтисодий ривожланиши учун асос, ижтимоий барқарорлик омилларидан бири, интеллектуал ресурсларнинг ўсиш манбаи ва аҳолининг маънавий-ахлоқий салоҳиятидир. Ҳозирги кунда аҳолининг таълимга бўлган эҳтиёжи ортиб, олий таълимга талабгорлар сони кўпайиб бормоқда. Бугунги янги Ўзбекистон шароитида турли типдаги таълим муассасалари тармоғи кенгаймоқда, улар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда, аини пайтда тақомиллашиб, мураккаблашиб ҳам бормоқдаки, таълим инфратузилмасида бошқарув, методик ва илмий-тадқиқот хизматларининг шаклланиши натижасида кадрлар базаси мустаҳкамланишига, таълимнинг шакли, мазмуни ва усуллари янгиланишига ҳамда билимнинг ҳаётий аҳамиятини оширишга қаратилган таълим беришга эътибор қаратилмоқда.

Педагогик таълим инновацион кластери таълимда ижтимоий шериклик тамойилини қўллаб-қувватлайди. Ижтимоий шериклик таълимий, илмий, услубий ресурсларни мактабгача таълимдан олий ўқув юртларигача тақсимланишига, ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри йўналтириш ва ривожлантиришга ёрдам беради. Таълим соҳасини ривожлантириш учун жамият ресурсларидан унумли фойдаланиш, таълим субъектларининг таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш учун таълим жамоаси ва кластер ҳамкор субъектларининг ҳаётий тажрибасини тўплаш, ижобий жиҳатларни оммалаштириш лозим.

Ижтимоий шериклик барча ҳамкорлар учун умумий бўлган устувор истиқболни кўзлаган ҳолда самарали ва муваффақиятли ҳаракат қилиш имконини беради. Ижтимоий шерикликка асосланган тадбирлар мажмуи ҳамкорликка жалб этилган жамият аъзоларига энг самарали ва тежамкор ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бундай ҳамкорликка асосланган умумий ўрта таълим мактаби ва олий таълим муносабати куйидаги механизмларга асосланмоғи лозим:

- очиклик ва ҳамкорлик;
- ривожланиш, мулоқот ва фикр алмашишга эҳтиёж;
- жамиятда кўрсатилаётган таълим хизматлари сонини оширишга қаратилган ҳамкорлик ва бошқалар.

Ҳозирги кунда “таълимда ижтимоий шериклик” тушунчасининг ягона таърифи йўқ. Хорижий, жумладан, рус тадқиқотчилари томонидан ушбу тушунчага нисбатан айрим таърифлар берилган:

1. Таълим муассасаларининг меҳнат бозори субъектлари ва муассасалари, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигининг алоҳида тури бўлиб, у жараённинг барча иштирокчилари манфаатларини максимал мувофиқлаштириш ва амалга оширишга қаратилади.

2. Ишонч, умумий мақсад ва кадриятлар, ихтиёрий ва узоқ муддатли муносабатлар, шунингдек, ҳамкорлик ва ривожланиш натижасида томонларнинг ўзаро масъулиятини тан олиш билан тавсифланадиган таълим жараёни субъектлари ўртасидаги биргаликдаги фаолиятнинг алоҳида тури.

И.М.Реморенконинг фикрига кўра, таълимга нисбатан ижтимоий шериклик деб қуйидагилар тушунилади:

- муайян мутахассислар жамоасининг ижтимоий гуруҳлар ўртасида содир бўлувчи таълим тизими доирасидаги ҳамкорлиги;
- таълим тизими ходимларининг ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари вакилларига мурожаат қилиш орқали киритадиган ҳамкорлиги;
- фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашувчи ижтимоий ҳаётнинг махсус соҳаси сифатида таълим тизими ташаббуси билан содир бўлувчи ҳамкорлик.

Бизнингча, таълимда ижтимоий шериклик масаласини кластер ёндашувидан алоҳида ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ижтимоий шерикликдан қўзланган мақсад кластер моҳияти ва тамойилларида ўз ифодасини топган. Демак, хорижий олимларнинг маъруза тушунчасига берган таърифларида унинг кластер ёндашуви билан алоқадорлигининг акс этмаганлиги ушбу таърифлар ислох қилишга муҳтож эканлигини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда биз “таълимда ижтимоий шериклик” тушунчасининг қуйидаги таърифини таклиф қиламиз: таълим билан алоқадор субъектлар, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ихтиёрий ва узоқ муддатли кластер ёндашув тамойилларига асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик шаклидир.

Тошкент вилояти таълим тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида адабиёт фанини бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Худудда ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжнинг тўла қондирилмаганлиги, таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитининг йўқлиги табиий равишда ўқитувчилар салоҳиятига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, худудда адабиёт таълими мисолида ўзаро манфаатли ижтимоий шериклик назарда тутилмаган. Бизнингча, зудлик билан мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларига ўқув-услубий ёрдам беришни амалга ошириш зарур. Бундай шароитда институтда ташкил қилинган методик машғулотлар шакл ва мазмун жиҳатдан тизимли, мактаблар билан ҳамкорлик учун очик бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, бундай шароитда худудда ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни тезкор ва сифатли қондириш масаласи Чирчик давлат педагогика институтида худудда ўқитувчиларга эҳтиёж мавжуд таълим йўналишларини дуал таълим шаклига ўтказиш билан таъминланиши мумкин. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг амалиётга асосланган шакли худуддаги умумтаълим мактаблари билан педагогик олий таълим муассасалари ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни таъминлайди.

#### Адабиётлар:

1. Никитин М.В. Модернизация управления развитием образовательных организаций: монография. — М., 2001. — 180с.
2. Пискунова Е.В., Кондракова И.Э., Соловейкина М.П. и др. Технологии социального партнерства в сфере образования: Учебно-методический комплекс. - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2008. —136 с.
3. Реморенко И.М. «Социальное партнерство» в образовании: понятие и деятельность// Новый город: образование для изменения качества жизни. - М.; СПб.: Югорск, 2003. — 12 с.
4. Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари. Пед. фан. б. фан доктори (DSc) дисс. Чирчик. 2021. —228 б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу илмий мақолада педагогик таълим кластери занжирида умумтаълим мактабларининг адабиёт фанини ўқиш мисолидаги ўрни ва аҳамияти, мактабгача ва олий таълим билан ҳамкорлиги масаласи ёритилади ҳамда педагогик таълим инновацион кластери таълимда ижтимоий шериклик тушунчасига таъриф ва ижтимоий шериклик тамойилини қўллаб-қувватлаш хусусида фикр мулоҳазалар билдирилади.

#### РЕЗЮМЕ

В данной научной статье обсуждается роль и значение среднего образования в цепочке кластеров педагогического образования на примере учебной литературы, сотрудничества с дошкольным и высшим образованием, а также дается комментарий к определению социального партнерства в кластерном образовании педагогического образования и поддерживается принцип социальное партнерство.

#### SUMMARY

This scientific article discusses the role and importance of secondary education in the chain of clusters of teacher education using the example of educational literature, cooperation with preschool and higher education, and also provides a commentary on the definition of social partnership in cluster education of teacher education and supports the principle of social partnership.